

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари

2025 йил январь-декабрь ойлари учун

- I. Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот
- II. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар
- III. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари
- IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
- V. Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 1 201,6 мингтани, шундан, кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшган ҳолда) сони 493,0 мингтани, ЯТТлар сони 284,4 мингтани, деҳқон хўжаликлари сони 395,6 мингтани, оилавий тадбиркорлар 5,6 мингтани, ҳунармандлар 22,1 мингтани ва импорт товарлари сотувчилар 0,9 мингтани ташкил этди.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони

2026 йил 1 январь ҳолатига, бирлик

	Жами	шундан:	
		кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшган ҳолда)	ЯТТ, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва импорт товарлари сотувчилар ¹
Ўзбекистон Республикаси	1 201 612	492 993	708 619
Қорақалпоғистон Республикаси	56 942	24 466	32 476
Андижон	122 726	29 331	93 395
Бухоро	73 853	30 236	43 617
Жиззах	94 610	22 491	72 119
Қашқадарё	68 367	37 899	30 468
Навоий	40 970	21 018	19 952
Наманган	78 263	28 510	49 753
Самарқанд	103 852	45 452	58 400
Сурхондарё	107 298	26 910	80 388
Сирдарё	35 187	13 878	21 309
Тошкент	91 796	46 647	45 149
Фарғона	93 394	41 870	51 524
Хоразм	91 884	27 746	64 138
Тошкент ш.	142 470	96 539	45 931

¹ Адлия вазирлиги маълумотлар базаси асосида шакллантирилди

**Фаолият юритаётган, юридик шахс ташкил этмаган
тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони**

2026 йил 1 январь ҳолатига, бирликда

	Жами	шундан:				
		Якка тартиб- даги тадбир- корлик	Деҳқон хўжалик- лари	Оилавий тадбир- корлар	Ҳунар- мандлар	Импорт товарлари сотувчилар
Ўзбекистон Республикаси	708 619	284 440	395 559	5 575	22 117	928
Қорақалпоғистон Республикаси	32 476	17 090	13 915	517	951	3
Андижон	93 395	26 233	64 909	140	2 088	25
Бухоро	43 617	17 401	24 383	336	1 474	23
Жиззах	72 119	27 186	42 205	138	2 564	26
Қашқадарё	30 468	9 767	19 583	74	1 033	11
Навоий	19 952	7 650	11 805	44	447	6
Наманган	49 753	19 908	27 379	50	1 990	426
Самарқанд	58 400	23 327	33 301	271	1 496	5
Сурхондарё	80 388	29 792	47 930	551	2 090	25
Сирдарё	21 309	8 025	12 775	40	465	4
Тошкент	45 149	16 710	27 465	120	845	9
Фарғона	51 524	26 060	22 508	1 115	1 791	50
Хоразм	64 138	14 198	47 370	582	1 977	11
Тошкент ш.	45 931	41 093	31	1 597	2 906	304

2026 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳар 1000 аҳолига нисбатан 31,7 бирликни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг (ҳар минг аҳолига нисбатан) энг юқори кўрсаткичи Жиззах вилоятида 61,0 бирлик, Тошкент шаҳрида 45,3 бирлик, Хоразм вилоятида 44,8 бирлик ва Сирдарё вилоятида 37,5 бирликни ташкил этди.

II. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар

2025 йилнинг январь-декабрида 82,4 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди.

2025 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирма савдо соҳасида 30 205 та, саноатда 10 490 та, қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 9 924 та ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 7 262 та ташкил этилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони](#)


[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(йиллик\)](#)

III. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

2025 йилнинг январь-декабрида ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳажми 923 514,6 млрд сўмни ташкил қилди ёки умумий ЯИМ ҳажмидаги улуши **52,2 %** ни ташкил этди.


Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги ҳажми динамикаси



2025 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида **93,1 %**, қурилишда **75,6 %**, хизматлар соҳасида **47,2 %** ва саноатда **28,5 %** ни ташкил қилди.

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 383 886,1 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши **34,9 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **114,8 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари \(хизматлари\) ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари](#)
[\(хизматлари\)даги улуши](#)

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 230 926,9 млрд сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши **73,6 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **112,2 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қурилиш ишларидаги улуши](#)

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 362 910,0 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши **61,4 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **129,9 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши](#)

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ҳажми 495 445,2 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши **91,9 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **101,9 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқариш ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқаришдаги улуши](#)

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо айланмаси ҳажми 400 503,2 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши **83,0 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **109,6 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо айланмасининг ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами чакана савдо айланмасидаги улуши](#)

2025 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг хизматлар соҳасидаги ҳажми 595 090,5 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши **56,7 %** ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **114,3 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами кўрсатилган хизматлардаги улуши](#)

2025 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар экспорти ҳажми 12,4 млрд АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг **36,6 %** ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар экспорти ҳажми динамикаси




Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(иш, хизмат\)лар экспорти ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(иш, хизмат\)лар экспортидаги улуши](#)

2025 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар импортининг ҳажми 25 390,3 миллион АҚШ долларини ёки жами импортнинг **53,6 %** ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар импорти ҳажми динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(иш, хизмат\)лар импорти ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(иш, хизмат\)лар импортидаги улуши](#)

IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

2025 йилнинг январь-декабрида автомобиль транспортида юк ташишнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **52,4 %** ни ташкил этди. 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати **107,2 %** ни ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида юк айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **77,4 %** ни, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати **106,8 %** ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами транспорт фаолиятларидаги улушлари динамикаси



2025 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **90,6 %** ни, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати **103,3 %** ни ташкил қилди.



2025 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши **95,5 %** ни, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати **103,0 %** ни ташкил қилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк ташиш ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк ташишдаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк айланмаси ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк айланмасидаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи ташиш ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи ташишдаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи айланмаси ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи айланмасидаги улуши](#)

V. Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси **бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

Кичик тадбиркорликнинг тармоқлар бўйича улушини шакллантириш тармоқ бошқармаларининг тегишли услубий низомлари асосида амалга оширилади.

Қоидаларга мувофиқ кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги нархларда бажарилади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳажмлар ўзгариши нарх индекси ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Метамаълумот учун ҳавола:

[Корхоналар ва ташкилотлар сони – метамаълумот](#)
[Кичик бизнес кўрсаткичлари – метамаълумот](#)
[Кичик бизнеснинг тармоқлар бўйича улуши – метамаълумот](#)

